

Закотнинг фарзлиги ва фазилати | Фиқҳ дарслари (285-дарс)



19:00 / 07.06.2024 3020

﴿تَرْحَمُونَ لَعَلَّكُمْ الرَّسُولَ وَأَطِيعُوا الزَّكَاةَ وَءَاتُوا الصَّلَاةَ وَأَقِيمُوا﴾

Аллоҳ таоло:

«Намозни тўқис адо этинглар, закот беринглар ва Расулга итоат қилинглар. Шоядки, раҳм қилинсангиз», деган (Нур сураси, 56-оят).

Қуръони Каримда намоз билан закот йигирма етти жойда бирга зикр қилингани юқорида айтиб ўтилган эди. Ушбу оят ана шу оятларнинг энг шиддатлисидир.

Аллоҳ таоло намоз ўқишга қандай амр қилган бўлса, закот беришга ҳам, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишга ҳам шундай амр қилмоқда.

Демак, намоз қандай фарз бўлса, закот ҳам шундай фарз. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш ҳақидаги амр қанча кучга эга бўлса, закот бериш ҳақидаги амр ҳам шунча кучга эгадир.

Аллоҳ таоло:

﴿عَلَيْهِ سَمِيعٌ وَاللَّهُ لَهُمْ سَكَنٌ صَلَوَاتِكَ إِنَّ عَلَيْهِمْ وَصَلَّ بِهَا وَتُرَكَّبِهِمْ تُطَهِّرُهُمْ صَدَقَةٌ أَمْوَالِهِمْ مِنْ خُذْ﴾

«Молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан. Уларнинг ҳаққига дуо қил. Албатта, дуоинг улар учун таскиндир. Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир», деган (Тавба сураси, 103-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламга амр қилиб, моли нисобга етган мусулмонларнинг молларидан закот олишга буюрмоқда.

Закотнинг бир номи «садақа»дир. Бизда «садақа» сўзи ихтиёрий хайр-эҳсонга нисбатан айтилса ҳам, араб тилида закотни билдиради. Закотни «садақа» дейиш «садақа» сўзида «тасдиқ» маъноси борлиги учундир. Чунки ўз молидан иймон-ихлос билан закотни чиқариб бериш мазкур одамнинг иймони ҳақиқий эканининг тасдиғидир.

Аллоҳ таоло:

﴿كَبِيرٌ أَجْرُهُمْ وَأَنْفَقُوا مِنْكُمْ أَمْنُوا فَالَّذِينَ﴾

«Бас, сизлардан иймон келтирган ва инфоқ қилганларга улуғ ажр бордир», деган (Ҳадид сураси, 7-оят).

Иймон билан инфоқ бирга бўлганда кишига катта фойда келтирар экан. Бунда мўминларни закот ва бошқа молиявий ибодатларга чорлаш бор.

هُلِّلَا يَضَرِّسْ أَبَعِ نُبَا نَع
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبَّنَلَا نَأ : أَمْهُ نَع
نُبِ ذَاغُمَلَلَا قَمَّلَسَوِ هَيْلَع
يَلِإِ هَتَّعَبَ نِيحِ لَبَج
أَمْوَقِ يَتَأْتَسْ كَنِيَا : نَمِيَلَا
مُهَتِّيَجِ إِذِإِ بِبَاتِكَ لَهَا
أَلْ نَأ أُوْدَهَشَيِ نَأ يَلِإِ مُهْغَدَافِ
لُؤْسَرِ أَدْمَحُمِ نَأُوْ هَلِّلَا أَلِإِ هَلِإِ
كَلِ أُوْعَاطَأُ مُهْ نِيَا يَهَلِّلَا
دَقِ هَلِّلَا نَأ مُهْرَبُخِ أَفِ كَلِ ذِبِ
تَأَوَّلِ صَسْمَخِ مُهْيَلَعِ ضَرَفِ
مُهْ نِيَا يَهَلِّلَا وَيَلَوِ مُوِيَلُكِ يَفِ
مُهْرَبُخِ أَفِ كَلِ ذِبِ كَلِ أُوْعَاطَأُ

مُهَيَّلَعَضَرَ فِدَقَ هَلَلَانَا
مُهَيَّائِنَعَانَمُ دَخُوتَ قَدَص
نِإِفْ، مِهَيَّأَرْقُفِ يَلَعُ دَرْتَفِ
كُأَيِإِفِ كَلِذِبِ كَلِ أَوْعِاطَا مُه
ةُوعَدِ قَاتَاو، مِهَلِأَوْمَا مِهَيَّأَرْكَو
ةُنَيَبِ سَيَلِ هُنِإِفِ مَوْلِظُمَلَا
هَأَوْر. «بِأَجْحِ هَلَلَانِ نِيَبِو
ةُ سَمَخَلَا

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Муъоз ибн Жабални Яманга юбораётиб, унга қуйидагиларни айтганлар:

«Албатта, сен аҳли китоб қавмининг ҳузурига борасан. Бас, қачон уларнинг ҳузурига етиб борсанг, уларни «Лаа илааҳа иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан Расулуллоҳ», деб шаҳодат беришларига даъват қил.

Агар улар сенга бунда итоат этсалар, Аллоҳ уларга бир кечакундузда беш вақт намозни фарз қилганининг хабарини бер.

Агар улар сенга бунда итоат этсалар, Аллоҳ уларга уларнинг бойларидан олиниб, фақирларига қайтариладиган садақани фарз қилганининг хабарини бер.

Агар улар сенга бунда итоат этсалар, яхши молларини олишдан ҳазир бўл. Мазлумнинг дуосидан қўрқ, чунки у (дуо) билан Аллоҳнинг орасида парда йўқдир».

Бешовлари ривоят қилишган.

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيِيَّ رَهْ يَبَا نَع
يَبْنَلَا يَتَا أَلْجَرَّ نَأْ هُنَع
مَلَسَّ وَهَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّص
إِذَا لَمَعَ يَلَعُ يَنْلُدُ لَأَقَف
لَأَقُ . نَجَلَا تَلَخَدُ هُتَلَمَعَ
هَبْ كِرْشُتْ أَلْ هَلَلَا دُبْعَتُ
ةَالَّصَلَا مِيْقُتْ وَ ، أَيُّيَش
ةَالْزَلَا يِدُّوتْ وَ ، ةَبُوتْ كَمَلَا
مُوصَتْ وَ ، ةَضُورْفَمَلَا
يَسْفَنَ يَدَّلَاوْ لَأَقُ . «نَأْضَمَر
أَمَلَفْ . آذَهْ يَلَعُ دِيْرَا أَلْ هِدَيَب

هُرْسٌ نَمٌ: «يُبْنِلْ لِقِ يَلْو
لَهْ أْنَمِ لُجَرِ يَلِ رُظْنِي نَأ
أَذَهْ يَلِ رُظْنِي لَفِ هَنْجَلِ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Мени бир амалга даллат қилингки, уни қилсам, жаннатга кирай», деди. У зот:

«Аллоҳга ибодат қиласан ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Фарз намозни қоим қиласан. Фарз қилинган закотни адо этасан. Рамазон(рўзаси)ни тутасан», дедилар.

«Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, бундан зиёда қилмайман», деди.

У қайтиб кетгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимни аҳли жаннатдан бир одамга назар солиш хурсанд қилса, бунга назар солсин», дедилар».

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.